

Илк бора Султон номини олган Газнавийларнинг буюк хукмдорларидан Султон Махмуд Собуктакин ислом динини ёйиш мақсадида Хиндистонга ўн саккиз мартаба юришлар уюштирган. У ана шу юришларидан бирида жуда ҳам каттик қаршиликка учрайди ва галаба қозониши амри маҳол бўлиб қолади. Худди ана шу қийин вазиятда Аллохга ёлвориб: «Эй Раббим, агар ушбу жангда қолиб қиксам қўлга қиритганим ўлжаларнинг барчасини фақирларга таркатаман» деб аҳд қилди.

Не бахтки, Султон Махмуд ушбу жангда қолиб бўлади ва қутилганидек анча-мунча бойликларни қўлга қиритади. Газнага қайтиб қелишганда қўлга қиритилган бойликларни йўқсил ва мухтожларга тарката бошлайди, бироқ бу ҳол баъзи вазир ва амирларга ёқмайди. Улар ўртага тушиб «Эй улуг султон, нималар қияпсиз, ахир шунча хазина, олтинлар, инжулар, дуру жавахирларни фақирларга тарқатиб бўларканми? Улар ҳатто буларнинг қийматини ҳам билмайди. Қолаверса, салтанат хазинасининг ҳам бу бойликларга эҳтиёжи йўқ эмас», дейишади. Султон мулозимларига бу ишни Аллохга берган ваъдаси учун қилаётгани айтади. Лекин амирлар эътироз билдиришади ва «Ундай бўлса, қимматбаҳо буюмларни олиб қолиб, қолганларини тарқатинг», деб султоннинг бошини айлантириб ташлашади.

Ўша вақтда Газнада ўз жони ҳатарда турган бўлса ҳам тўғри сўзни айтишдан чекинмайдиган замонасининг олим ва фозил кишиси яшар эди. Султон ўша кишини чақиртириб унга ҳолатни тушунтириб, унинг фикрини сўради. Олим «Султоним, бу ерда сизни икқиланишга мажбур қиладиган ҳеч нарса йўқ ҳаммаси оддий ва аниқ намоён бўлиб турибди. Агар Аллохга бошқа ишим тушмайди десангиз дарҳол одамларингиз айтганини қилинг, бойликларни хазинага қўйинг. Аммо Аллохга яна ишингиз тушадиган бўлса, берган ваъдангизни бажаринг-да, қўлга қиритганларингизни фуқаронгизга тарқатинг», деди.

Ирода Тўрахонова тайёрлади